

Net 43 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

18.01.2022 йил

*Бухоро* ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/16 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Бухоро филиали директори Турдиев Халил Жаконкулович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва Расмий мемонлар кабуллар уйи номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик түғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Расмий мемонлар кабуллар уйи (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда биргаликлар-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича куйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

### 1. Шартнома предмети

#### 1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түғрисидаги абонент шартномасини тузишига расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлитини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түғрисидаги шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертынинг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Оферганинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилгандан ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланнисда Абонент тўлови **100 (бир юз)** фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйиа) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

\* Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) **70.000** ( ) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма ( ) сум микдоридаги Абонент тўловини хамда ( ) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган қўшимча келишув/такдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатга ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисбот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент хисбот ойининг I-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишни реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик хар бир хизмат тури учун алоҳидрасмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир хисоб-фактуралда тақдим этилган хизматларниң түлк календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактуралда) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хоти асосида Оператор томонидан Абонента хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни ҳалиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариши билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчиликтига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиши чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгизб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

#### 6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътиrozнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан

30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишили шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор қилинади.

#### 7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 \_\_\_\_ йилга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттираса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 \_\_\_\_ йилга қадар амал қиласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килишнинг хақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулқорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичидаги бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хақикий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (инчи) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:  
“Ўзбектелеком” АК  
Бухоро филиали

Манзил: Бухоро ш., И.Муминов к., 2а  
Банк маълумотлари:  
х/р: 20210000804074838412  
СТИР:203366731  
МФО:00401 АТБ “Алокабанк”  
Тел: 1155  
E-mail: \_\_\_\_\_




Оператор номидан:

Турдиев Халил Жахонкулович

/имзо/

АБОНЕНТ:  
Расмий меҳмонлар кабуллар уйи

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри,  
Моҳи Хоса кўчаси, уй. 1  
Банк маълумотлари:  
х/р: 2340200030010900  
СТИР:20420463  
МФО:00085 Банк номидан КАРАУЛБАЗАР КАРАУЛБАЗАРСКОЕ  
ОТД УЗПСБ  
Тел: 952285201  
E-mail: rasmiiy@mehmom.uz



Абонент номидан:

\_\_\_\_\_  
D. Сорифов  
m.y.

/имзо/

18.01.2022 йил  
Net\_43-сонли абонент шартномасига  
1-илюва

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллый валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Абонентская плата за Corporate-1	240,000.00	Прейскурант	1	240,000.00
	Жами (олдиндан тўлов)				240,000.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 240,000.00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 240,000.00 сўмни ташкил этади. Ундан 240,000.00 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир маротабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Бухоро филиали

**АБОНЕНТ:**  
Расмий меҳмонлар кабуллар уйи

Оператор номидан:

\_\_\_\_\_ /имзо/  
М. ў.



Турдиев Халил Жаҳонкулович



*B. Соруков*